



O'ZBEKISTON STANDARTLASHTIRISH METROLOGIYA VA SERTIFIKATLASHTIRISH AGENTLIGI QARORI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги 451-сон қарори билан тасдиқланган, “Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламенти кучга кириши билан ушбу техник регламент талабларига риоя этилиши таъминланадиган стандартлаштиришга доир, ҳамда маҳсулотларнинг наъмуналарини олиш, синов ва ўлчов усусларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

“Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент (кейинги ўринларда – техник регламент) кучга киритилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 22-моддаларига мувофиқ, “Ўзстандарт” агентлиги, қарор қиласди:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси худудида:

2021 йилнинг 23 июлдан мазкур техник регламент талабларига риоя этилиши таъминланадиган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг наъмуналарини олиш, синов ва ўлчов усусларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. СДНМБ (Р.Хуснуллин) ва Стандартлар институти (А.Хамдамов) мазкур техник регламент билан тартибга солинадиган маҳсулотларга янги стандартлар (барча тоифадаги) қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якуни билан Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармасига киритиб борсин.

3. ТЖТС бошқармаси (Д.Ходжикариев) тақдим этилган янги стандартларни белгиланган тартибда ушбу қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган, умумий техник регламент талабларига риоя этилиши таъминланадиган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхатига киритиб борсин.

4. АКТЖҚваРБ (Ф.Усманов) ва ТЖТСБ (Д.Ходжикариев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар рўйхатлари “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. СЛМРБ (Ш.Иногамов) ва “UzTest” ДУК (А.Мустафаев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар бўйича сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториясининг аккредитация доирасини кенгайтириш чораларини кўрсисин.

6. Ташкилий-назорат ва ижро интизоми бўлими (З.Гафуров) “Ўзстандарт” агентлиги тегишли тизим ташкилотларини мазкур қарор билан 2 кунлик муддатда таништиурсин.

7. Ушбу қарор ижроси устидан назорат Бош директорнинг биринчи ўринbosари Д.Каттаходжаев зиммасига юклатилсан.

Бош директор



Д. Саттаров

“Ўзстандарт” агентлигининг
“23” 10 2020 йилдаги
TP-18 – сонли қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2021 йилнинг 23 июлдан “Болалар ўйинчоқларининг
хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламенти талабларига риоя этилиши
таъминланадиган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхати**

| T/p | Норматив ҳужжатнинг шартли белгиланиши | Норматив ҳужжатнинг номланиши |
|-----|--|---|
| 1. | ГОСТ 24972-93 | Ўйинчоқлар. Тамғалаш, қадоқлаш, ташиб ва сақлаш |
| 2. | ГОСТ 30782-2001 | Ўйинчоқлар. Хавфсизликнинг умумий талаблари ва синов усуслари. Ёшнинг график шартли белгиси |
| 3. | ГОСТ 31097-2002 | Ўйинчоқлар. Хавфсизликнинг умумий талаблари ва синов усуслари. Механик ва физик хусусиятлари |
| 4. | ГОСТ ЕН 71-1-2014 | Ўйинчоқлар. Хавфсизлик талаблари. 1-қисм. Механик ва физик хусусиятлари |
| 5. | ГОСТ IEC 62115-2014 | Электр ўйинчоқлар. Хавфсизлик талаблари |
| 6. | O’z DSt 1723: 2010 | Электр ўйинчоқлар. Хавфсизлик талаблари. |
| 7. | O’z DSt 1724: 2010 | Ўйинчоқлар хавфсизлиги. Баъзи элементларнинг миграцияси. |
| 8. | O’z DSt 1725: 2010 | Ўйинчоқлар. Хавфсизлик талаблари. Бармоқлар билан бўяш учун бўёқ. Техник талаблар ва синов усуслари. |
| 9. | O’z DSt 1726: 2010 | Ўйинчоқлар. Хавфсизлик талаблари. Биноларда ва очик ҳавода фаол дам олиш учун беланчак, слайд ва аналог ўйинчоқлар. |